

КРЕДИТНИ КИМГА БЕРГАН МАЪҚУЛ Ва нима учун?

Минг афсуски, ҳозирда имкони борича давлат улушини саклаб қолишга шахсан манфаатдор корхоналар ва акциядор тузилмалар мавжуд. Улар раҳбарларнинг асосий мақсади 26 ёки ундан кўпроқ физик давлат улушини рўқча қилиб банклардан пишиб етилмаган бизнес-лойиҳалар асосида ўта катта миқдордаги кўп йиллик кредитларни олиш ва ҳўжақўрсинга фаолият юргизиш туриш, қўйлақ тор келиб қолса, халқумга сикканча маблағни ўзлаштириб, ночор одамдек олинган кредитларнинг қайтарилишини давлат зиммасига юклаб, банкротлик тўрисидаги қонун асосида сувдан курук чиқишдир.

2-бет

ЎЗБЕК ТАЛАФФУЗИ

Тобора ингицкллашиб, бачканалашиб бораяпти

FM радиоларининг тилини минг муқомда бўраб гапириб, нозу адо-лар билан "шакарғуфтор"лик қилаётган диктор қизчалари шуни унут-масалар яхши эдики, уларни фақат 20-30 яшар бўз йигитлар эмас, бутун ўзбек юрти — чолу кампирлардан тортиб ёш-ёш болалар ҳам тинглайди. Аммо уларнинг гапирishi эса... хуштори билан ёлғиз қолиб нозланаётган сатангнинг гапирishiдан фарқ қилмайди! Бу қиз-ларнинг ота-оналари ёки ориятлироқ акалари кўйимкин? Қандайдир "ихим", "хм", "аха" каби йўқимча товушлар, буларнинг нозик лабчалар-дан минг бир тусда товланиб чиқишлари дей-сизми-ей.

3-бет



4-бет

ШОИРНИНГ «САҲРОЙИ ГУЛЛАР»И

Энг муҳими, эл ҳақини еб, кемириб, семириб юрганларнинг маддоҳига айланмади бу авлод! Ада-бётнинг машаққатли сўқмоқларида собитқадамлик билан юришини тўхтамади бу авлод! Уша, "Бозор иктисоди" деган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тушунчалар "калхатдай бостириб келган дастлаб-ки йилларда шоирларнинг сўлим "Чаманзордаги булбул"дай ўзларини қаерга қўйишини билмай қолгани ҳам бор гап.



HURRIYAT

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan

№37 (343) 2003-yil 17-sentabr

«Хуррият» сизники, Сиз ХУРРИЯТники бўлинг! Газетамизга обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичимиз: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ

1 АҚШ \$ — 974,22 сўм
1 ЕВРО — 1098,14 сўм



Обуна — 2004

ХУҚУҚ АМАЛДОРДАМИ?

Танлаш имкониятини обуначига қўйиб беринг




«Жўжани кузда санай-миз»... Аҳли қалам — эў-ўр адибдан то ҳашиқи очер-кечигача — ёзган яхши-ёмон нарсаларига мақола-матал тиркашни хуш кўра-дики, зора фикр-мулоҳа-заларни тиникроқ ифода-этсам, деб. Бу хол матбу-от ходимларига ҳам беғо-на эмас. Газетчилар се-ридадо тоифадаги киши-лар сирасига кирса-да, кўпларининг истеъодиди иддаоси соясиди қолиб кетса-да, юқоридида ма-қолини (айниқса, бутунги кунда) иложи борича иш-латмасликка ҳаракат қи-лади. Бонси ҳамма жўжанинг саногии билан андармон бўлаётган бир паллада матбуотчилар э-энди енг-шимариб ҳаракатга туша-ётган бўлади; буёғи — куз, пахтакорлар учун — терим; чорвадорлар учун — ийгим; ҳомий-валлом-лар учун — чиким мавсу-ми бошланса, матбуотчи-лар учун ОБУНА мавсуми бошланади. Матбуотчилар учун обуна ҳаёт-мамудек гап: нашрларнинг бирин-чи саҳифасида юқори пар-даларда битилган даъват; турли ташкилот-корхона раҳбарларига илтимосно-малар ёзилган; бу жара-ёнда газетанинг раҳбар-раҳбарчалари энг сурбет, энг дангаса ходимига-да луф қилишга мажбур бўладики, зора, шу юзи қаттиқнинг хатти-ҳаракати обуначилар сонини икки-учтага кўпайтирса, деб. Аслида-ку, обуна мав-сумининг бундай, мазму-моҳитига кўра, маданий зўравонлик касб этиши на куракда, на тувакда турадиган ҳол! Рост-да, ким қайси газетани ўқий-ди, кимнинг қандай йўна-лишидаги нашрга илхоси баланд — мутлақо шах-сий масала. Бироқ «Юқори» деган айрим маҳкамалар борки, улар томонидан Фистон деган газетга мунча, Фисма-донга мунча дона обуна қилинсин, деган маънода бериладиган тавсия (та-всия, буйруқдан қолиш-майди; буйруқдан, ижро-си мажбурий билан ба-робар!)лар жабрини обу-начилар тортади. Натижа ҳам шунга яраша: ўқув-чи — обуна бўлиш ҳуқуқидан маҳрум, ик-кинчи томондан газетлар ўртасидаги соғлом рақо-батга путур етиб, «қули узун» муассиснинг кўгирчоқ нашри муқо-млик өйди, ўз кунини ўзи кўрадиган газетлар ёв-гон шўрва... Ҳар обуна мавсумида кўп тахририятлар айни шу ва шунга ўхшаш ман-заралардан ташвишга ту-шади. Шундай оғриқли ҳолатлардан чиқиб кетиш йўллари кидириб не кўйларга тушмайди, дей-сиз. Бироқ ҳамма боло-шундаки, бунақа қоли-

Диққат!

АҚШ ГРАНТЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Айни кунларда АҚШ Давлат департаменти Таълим ва маданият ишлари бўйича Бюроси томонидан молиялаштирилган бир қанча дастур-лар, грантлар учун танловлар ўтказилмоқда. Бу ҳақда АҚШ элчихонаси ташаббуси билан «Интер-континенталь» меҳмонхонасида ташкил этилган учрашувда батафсил маълумот берилди. Кўпчиликка маълумки, IREX (Халқаро Тақли-қот ва Олимлар Айирбошлаш Кенгаши) амалга ошираётган дастурлар олий таълим, мустақил ОАВ, фуқаролик жамияти, Интернет каби йўна-лишлари ривожлантиришга қаратилган. FSA талабалар дастури иқтисод, журналис-тика, политология, қишлоқ хўжалиги, социоло-гия, жинсий ҳуқуқ асослари, халқаро муносаба-лар, таълим, компьютер технологиялари, Амери-кани ўрганиш йўналишидаги 1-, 2-, ва 3-курс та-лабалари (5 йиллик ўқув юрталари) учун мўлжал-ланган.



Эҳтиром, шундагина ум-умимиз сифати янада юқорига кўтарилар, мушта-рий газетани афтини буж-майтириб эмас, недири ин-тизорлик билан қўлга олар, матбуотчилар ҳам фаоли-я-тидан а-андек қониқиш ҳосил қилиб, ўқувчилар ол-дида ёруғ юз билан ту-рар... Булар ҳозирча орзу. Бу-нақа орзу қимларга эртақ, қимларгадир алаҳсирашдек туюлса-да, келаси — «Обу-на — 2004» дея рақам қилинган йилда унинг рў-ёбини жуда-жуда истардик, хоҳлардик, азиз «Хуррият»-нинг фидойи мухлислари... Бизни унутмасангиз бас.

учун кураш олиб боришади. Шу кунга қадар АКСЕЛС си-новлари Қарши, Самарқанд, Термиз ва Бухорода бўлиб ўтди. Навбатдаги имтиҳонлар Тошкент вилоятида (18 сентябрь), Нукусда (19 сентябрь), Андижонда (21 сентябрь), Ур-ганда (22 сентябрь), Наман-ганда (24 сентябрь), Фарго-нада (27 сентябрь) ва Тош-кентда (4-6 октябрь) ўткази-лади. Шу билан бирга олий ўқув юрти битирувчилари орасидан 10 дан ортиқ йўна-лишида саралаб олинган ёш-лар Америка таълим даргоҳ-ларида магистрлик даража-си бўйича билим олишлари мумкин. Бундан ташқари, олий ўқув юрти ва ўрта ма-табааннинг инглиз тили ўқитувчилари, мактаб дирек-торлари учун ҳам қатор даст-турлар ишлаб чиқилган. АК-СЕЛС дастурлари ҳақидаги батафсил ахборотни Кенгаши-нинг Тошкент (Конституция кучаси, 68, телефон 120-70-03), Наманган, Нукус ва Са-марқанддаги ваколатхонала-ридан олиш мумкин. Шунингдек, АҚШнинг юр-тимиздаги элчихонаси Де-мократия Комиссияси демок-ратик муассасалар ривожла-ниши қўллаб-қувватловчи лойиҳаларни тақдирлаш да-стурини ҳам эълон қилди. Бунга мувофиқ, мустақил ОАВни ривожлантириш, қонун устиворлигини таъ-минлаш, инсон ҳуқуқлари каби йўналишлардаги лойи-ҳаларга кичик грантлар аж-ратилади.

«Хуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда

2003 йил давомида «Хуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.

АҚШ коллеж ва универ-ситетларида бир йил таълим олиш имконини қўлга кирит-ган талабалар йўл ҳаракат-лари, турар-жой, ўқув да-стурлари ва стипендия билан таъминланади. Талабалар 2003 йил 31 октябрга қадар қабул қилинади. Шунингдек, «Ўзбекистонда алоқалар», «Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар», «Ўзбекистон мактабларида Интернет» каби дастурлар бўйича ҳам

Маҳалла

Сирдарёда номи тилга тушган маҳалла-лар жуда кўп. Шундай маҳаллар борки, ундаги хонадонлар озодлик, саранжом-лик, ҳовиларни гулга буркашда бир-бири билан бас бойлайди. Мирзаобод туманида-ги «Наврўз» маҳалласи эса спорт билан тилга тушган. Маҳалла катта-кичиги каровисиз ётган стадионни хашар йўли билан тартибга келтири-ди, турли спорт гу-руҳлари тузилди, спорт анжумлари олинди. Энди «Наврўз»дан таниқли

Хабар

АКАДЕМИЯ «ОЗОДЛИК»НИ СУДГА БЕРДИ

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Халқ таъботати ака-демияси жамоаси номидан унинг раиси Мухаммад Ҳамроев «Озодлик» радиостанцияси Тош-кент бюроси ва унинг муҳбири Турсунбекка нисбатан давбо арзаси билан Мирзо Улугбек туманлараро фуқаролик судига маржазот қилган. Академия «Озодлик» муҳбири-нинг бу чиқишини ўзбек халқ таъботатини обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракат деб ҳисоб-лаб, етказилган моддий ва маъ-навий зарарни 1 миллион АҚШ доллари миқдориди баҳоламоқ-да.

ПОКЛИК

спортчилар қияяпти. Гулистоннинг бугунги киефасида маҳаллалар-нинг иштироки бекиёс. Кейинги қатор йилларда шаҳар ҳуснига хусн кўшувчи иморатлар, гузал хиёбонлар барпо этилди. Йирк спорт ин-шоотлари, маънавият бе-шиги ҳисобланмиш вило-ят «Маънавият ва маъри-фат маркази» шулар жум-ласидандир. «Маънавият ва маърифат» марказида ҳар кун бири-бир тад-бир, учрашув ёки анжум-нининг устидан чиқасиз. Сирдарёга келган меҳ-мон бу ақойиб қошонага албатта қадим кўяди. Ви-лоят ижодкорлари ҳар ойда бир марта шу ерда тўпланадилар. Янги асар-лар муҳокамаси, янги кўшиқ, мусавирнинг ҳали буюк хиди анқиб турган янги асарига илк гувоҳ мана шу муҳташам қошона бўлаётир. Элимизнинг ардоқли ёзувчилари Уткир Ҳош-мов, Иброҳим Фафуров, Хуршид Дустмухаммад-лар билан бўлган самими-ий суҳбатлар, Дилбар Хожиева, Олмос, Дилбар Саидова сингари рўн-гизни кўкларга кўтару-вчи сўз дурларини териб, маънавиятнинг ҳазинаси-га элтувчи жон фидолар билан дийдорлашув. Буларнинг бари-барига мана шу қошона гувоҳ. Биргина Гулистоннинг ўзида эски маҳаллалар, пасткам уйлар, қўримсиз тор кўчалар бўзилди, ўрини янги, кенг, ҳаша-матлирини эгаллади. Шаҳримизнинг исми жи-мига монанд бўлмоқда. Обод маҳалла йилида шаҳар аҳли ободончи-ликни фақат уй-жой, кўча-кўй, маҳаллалари-нинг тоза, сийрат гузал-

Робота

«HURRIYAT»ga ҲИНДИСТОНДАН АКС-САДО

«Янги аср инсоният учун анча ташвишли бошланди. Мил-латлараро келишимовчиликлар, элатлараро адоватлар Ер туррасининг ҳали у ерида, ҳали бу ерида алангаланиб турибди. Белопён коинот кўйида чарх уриб юрган шу кич-кина замин омонат тургандай, ўз меҳваридан чиқиб кета-ётгандай. Бироқ ҳар қандай ҳолат, қимларнингдир то-монидан гиж-гижлаб амалга оширилаётган қабохатнинг пайини қирқадиган асосий омил — тинчлик, тотувлик, бир-дорликдир! Мана шу мезонларга риоя қилиб ишамок ҳар бир иймон-эътиқодли Замин фуқаросининг инсоний бурчидир. Бунга риоя қилмасликнинг адоғи — ҳалокат экани ҳозир ҳаммага аён бўлиб қолди».

Газетхонлар ёдида бўлса ке-рак, «Хуррият»нинг ўтган 2002 йил, 42, 43, 44-сонларида чоп этилган Дадаҳон Нурий қалами-га мансуб «Рам соҳибдан ҳам-мага салом» бадиаси худди юқориди биз келтирган ташбе-ли сўзалар билан бошланган бўлиб, асарни муштарийлар илиқ кутиб олишганди. Хатто Қажҳорона талабчан, ўта «инжиқ» машҳур адибимиз Шукр Хол-мирзаев муаллифга кўнгирок қилиб, янги асар билан табриқ-лагани, бадиани «роман» деб атагани бежиз бўлмаган. Яқинда Деҳлидан хушхабар келди. «Хуррият» газетасида чоп этилган «Рам соҳибдан ҳаммага салом» Ҳиндистонда урду тили-да чоп этилди деган кўп тиражли ва машҳур «Гулбун» адабий жур-нали саҳифаларида Ансориддин Иброҳим таржимасида эълон қилинбди. Ўзбек адабиётининг оташин

Танқид

2002 йилнинг 25 январи-да Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимо-яга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори қабул қилинган бўлиб, унинг 4-бандида қуй-идагилар қайд этилади: «... 4. Белгилансинки, чакалокни ўз тарбиясига (патронат) олган тутигдан ота-оналарга олинган ҳар бир чакалок учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 ба-равари миқдорига ҳар ойлик нафақа берилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилги Молия вазирилги билан келишган ҳолда тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган өтим бола-ларни қийим-бош, пойаф-зал билан бир йўла таъ-минлашнинг болаларнинг ёшига қараб қийим-бош ва пойафзал бериш нор-маси ва рўйхатини белги-лайдиган тартибини икки ҳайфга муддатга ишлаб чиқсин ва тасдиқласин». Шунингдек, мазкур банд-да нафақа тўлаш ва қийим-бош ҳамда пойафзал билан бир йўла таъминлаш, уни молиялаш тартиблари ва манбалари аниқ кўрсатилган. Республика Вазирилари Маҳ-камасининг қарорлари ҳамда қонунларини матбуотда эълон қилинган кундан бош-лаб ойма-ой амалга ошири-лиши лозим эди. Аммо... Тахририятга кел-ган баъзи бир шикоят хатла-ри асосида ўтказилган жур-налистик текшируви натижа-лари мазкур қарор ижроси-ни сабабандидир Сурхонда-рё вилоятида пайсалга со-

ПАТРОНАТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМОҚДА

Ҳукумат қарори ижросидаги сансоларлик

либ келинаётганлигини кўрсатади. Вилоят Молия бошқар-маси ҳамда халқ таълими бо-шқармасидан олинган маълум-отларга қараганда, 2003 йилнинг 1 июл кунига қадар икки ой — 2002 йилнинг но-ябр-декабр ойлари учун ўзгалар тарбиясига олинган 60 нафар болалар учун на-фақа пуллари тарқатилган, ҳолос. 2003 йилнинг 27 июн кунига келиб эса вилоят Ҳокимияти 97-Ф сонли фар-моийишига асосан 2003 йил-нинг етти ойи учун 6.202800 сўм маблаг молиялаштирил-ган. Бироқ 2002 йилнинг ян-варидан ноябригача бўлган ўн ойлик нафақа пуллари мо-лиялаштирилган ҳам, тўланган ҳам эмас. Мазкур масалага оидкини қиритиш ҳақида берилган саволларга на вилоят Молия бошқар-маси ва на Халқ таълими бо-шқармасидан жўли изоҳ топа-олмадик. Гуё айни шу ўн ой учун қарорнинг тааллуқли томони йўқдек. Ваҳоланки, туман халқ таълими бўли-млари қошидаги васийлик ва ҳомийлик органлари томони-дан тайёрланган ҳужжатлар-ни кўздан кечирганимизда болани тарбияга (патронат) бериш тўғрисида феврал ойидан бошлаб шартномалар тузила бошланган. Қарор та-

Даврон ОРИПОВ, «Хуррият» муҳбири

Маматкул БОЗОРБОВ

Гулноза ҚОСИМОВА, ЎзДжТ Халқаро Журналистика факультети талабаси

Дараклар

ШВЕЦИЯ КРОНАДА ҚОЛАДИГАН БЎЛДИ

Швецияда миллий валюта крондан еврога ўтиш масаласида референдум бўлиб ўтди. Бирок умумхалқ овоз бериши натижада крона билан норвегиядан — аҳолининг асосий қисми еврони қабул қилиш тadbирини номақбул деб топди. Маълумотларга қараганда, референдумда овоз бериш ҳуқуқига эга шведларнинг 80 фоиздан ошмиги штиртан этган ва уларнинг 56 фоизи миллий валютада қолиш учун овоз берган. Бу ҳолат Швеция иқтисоди учун жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Мамлакат раҳбарияти эса ҳар нима бўлганда ҳам, халқ истак-хоҳиши инobatга олинишини маълум қилди.

ИНГУШЕТИЕДА ПОРТЛАШ

Ингушетия маркази Магас шаҳрида кўпуровчилик харакати содир этилди. Мамлакат ички ишлар вазирлиги маълумоти қараганда, портлаш федерал хавфсизлик хизмати босқини ёнида уюштирилган. Теракт пайтида бино бутунлай вайрон бўлган. Хабарларга қўра, кўпуровчилик харакатида ҳеч ким қўрбон бўлмаган, фақат 10 га яқин киши жароҳатланган.

Мутахассислар ушбу портлаш Чеченистонда аксилтеррор операциялари бошланиши муносабати билан уюштирилганини айтишмоқда.

ЯНГИ РЕЗОЛЮЦИЯ МАЪҚУЛЛАНМАДИ

Швейцариянинг Женева шаҳрида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Йилнинг асосан АҚШ томонидан Ироқ масаласида тайёрланган янги резолюция муҳокама қилинди. Бирок ушбу ҳужжатни Кенгашнинг барча аъзоси ҳам маъқулламади. Шу боис ҳам ХК айна масаласида бир тўхтама қолмоқда.

Эслатиб ўтамоқ, Вашингтон томонидан тавсия этилган резолюцияда Ироққа БМТ раҳнамолигида кўп миллатли тинчликпарвар қучлар киритилиши режалаштирилган ва уларга АҚШ кўмондонлик қилиши кўзда тутилган эди.

БРИТАНИЯ ЭЛЧИХОНАСИ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Буюк Британиянинг Техрондаги элчихонаси номаълум кишилар томонидан ўққа тутилган. Хориж матбуоти хабарларига қараганда, қутилмаганда элчихона олдида мотоциклда пайдо бўлиб қолган шахс бингога қарата икки бор ўқ узган. Бу сўнгги икки ҳафта ичида амалга оширилган учинчи ҳужумдир. Бундан аввал ҳам Лондон ваколатхонаси худди шу тарзда мотоциклда шахс томонидан ўққа тутилган.

Ушбу ҳолатни айрим кузатувчилар Лондон — Техрон муносабатларининг бироз кескинлашгани билан изоҳлашмоқда.

ТАБИЙ ОФАТ СЕУЛГА ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

Жанубий Кореяда давом этаётган тайфун офати мамлакат иқтисодини издан чиқариб юборди. Маълумотларга қараганда, табиий офат тўғрисида 17 минг гектар ер майдонидан ишдан қилинган, 70 минг оила электр энергиясиз қолган, 86 киши қўрбон бўлган ва 25 киши бедарак йўқолган.

Хукумат айна пайтда сув балоси зарарларини бартараф этиш ҳамда хавфли ҳудудларда яшайдиган аҳолини кўчириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрмоқда. Умуман, бу офат Сеул ҳукуматида гоят қимматга тушмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қўра, тайфун келтирган зарар 1 миллиард доллардан ошиб кетди.

ТЕЛЕФОН КОМПЬЮТЕР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРАДИ

Motorola компанияси Microsoft компанияси билан ҳамкорликда янги уяли телефонларни ишлаб чиқара бошлади. Мазкур телефон юксак техник имкониятга эга, яъни у шахсий компьютер. Бу иxtиро Финляндиянинг Nokia компанияси билан рақобатлашиш меваси саналади. Чунки шу пайтга қадар Nokia худди шунга ўхшаш уяли алоқа воситасини ишлаб чиқараётган эди. Лекин кузатувчилар Motorolaнинг янги телефонлари имкониятини юқори баҳолашмоқда. Мутахассислар эътирофига қўра, ушбу уяли телефонлар энергияни кўпроқ сақлаб туради ва уларни бевосита Интернет тармоғига улаш мумкин.

Мулоқот

Сиз Гафур Фуломнинг сўзини эшитганмисиз? Шукур Бурхонов гапирганини-чи? Ё бўлмаса Аббор Ҳидоятлов овозини?
Гафур Фуломни мен умримда кўрмаганман, гапни ҳам эшитган эмасдим. Иттифоқ, бир кун радиода кимнингдир ниҳоятда қадрдон, яқин таниш, аммо кўздан берди эшитилмаган товуши қулоғимга кирди. Ҳар қандай ашуладан ҳам руҳафзор эди бу овоз. Билсам, Гафур Фулом ҳажий ҳикояларини ўқийётган экан. Эшитмаган одамга бирининг сўз оҳангини талқин қилиш қийин, бу худди босволди қовунинг хидини тушутириш каби мушкул, аммо ўзим ўшанда ишон қелтирдимки, агар Насриддин афанди ҳаётида бор бўлса, у Гафур Фулом овози билан гапирса керак эди. Ҳазилга, эрқаликка монанд, аммо ўқтам ва сарбаст бир оҳанг этакчили килар эди унда. Доншманлик, дарддошлик аён сезилиб туради. Хуллас, бир зумда ўзига ром эга оладиган, кишини беихтиёр қадрдонлаштириб юборадиган овозу оҳанг эди.

Шукур Бурхонни айтиш. Айниқса, "Киймат қара"да! Ўзбек отасининг рамзи-ку. Бу овоздаги меҳр, одамшаваандлик, дилқушчилик бошқа бировада топилармикин? Аббор Ҳидоятловнинг товуш лаб гапирариши-чи! Лафизимизнинг лирик-фалсафий диалогини бу қадар кенг бўла олишини пайқганимиз эдингиз?

Ўзбек эли сөрүрүг, кенг элат. Ҳар бир шева вақилининг гапида алоҳида оҳанг ва ўзига хос услуб бор. Аммо ҳаммаси ҳам ёқимли, ҳиссиётга тўлиқ, гапирётган чоғида сўз мазмунини билан бирга айтиувчининг муносабати яққол сезилиб туради. Бу оҳангда маҳаллий ўзига хослик ва аънааналар, шу минтақа кишининг ҳаёт тажрибаси, ҳар бир нарсага ўзига хос ёндашуви акс этади. Ҳар бир кишининг айтган гапидагина эмас, балки талаффузию сўзлашишида ҳам ақлу фаросати, маданияти, сипо ё ховлиқалиги, андишадени ё шарткалиги, ўзини туттиши кўзга аққол ташланади...

Тараққий шундай бир даврга етиб келдикки, эндиликда Хоразмнинг нариёғида туриб гапирётган одамнинг сўзини ушлиқлар баралла эшитаверади. Сўзу оҳанг эса, биласиз, "юқувчан". Иجتимоий тараққий тезлашиб, техника воситаларидан фойдаланиши авж олгани сари шевалараро синтезлашиш ҳодисаси ҳам кучаяди, аниқроғи, шеваларнинг синтезлашиши хисобига адабий тилининг бойиши ва умумхалқ миқёсида адабий тилга қўниш авж олади (шевэллар эса бора-бора оёқдан қолади. Ҳозир ҳамма жойда шу ҳодисага гувоҳ бўлиб турибмиз). Барча вилоятларимиз ва туманларимизда урф-одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир хиллашуви ўз берапти. Бозор иқтисодий шартоти ва тезкор ахборот алмашиш эса умумийлик бирикшиш ва яқинлашуви жараёни учун катализатор ролини ўйнапти.

Бу вазиятда ҳар қандай миллат олдида бир масала кўндаланг бўлади: адабий тили мукамаллаштиришда қайси тамойиллар устунлик қилади? Орфоэпик принциплар неғизда қай

Таҳлил

Шимолӣ Корея ҳукумати уран тадқиқотларидан воз кечишга қарар қилди. Бу ҳақда КХДР раҳбарияти кўп фурсатдан буюн халқро ҳамжамиятининг баъзан дўқ-пўсиа, баъзан илтимос оҳангидаги сўрловларини назар-писанд қилмай келляпти. Эдингизда бўлса, 2002 йил якунида Пхеньян Атом энергетикаси бўйича халқро агентлик — МАГАТЭ инспекторларини мамлакатдан ҳайдаб чиқарди. Боз яна халқро агентлик томонидан ядро объектларига урилатилган видеокузатув аппаратуралари ўзбосиқчилик билан олиб ташланди. Ҳозир йил бошида МАГАТЭ Шимолӣ Кореянинг кониқараси "хулқи"ни муҳокама қилди. Ташкилот бошлиғи Мухаммад ал-Бародий ҳукумат раҳбариятини инсоғфа чакирди, уларга бу оламда халқро ҳуқуқ меъерлари дерак тушунача борлиғи, у фақат айрим сибсатдонларнинг вазъларини бешаш учун эмас, амалий фойдалият татқиқ этиш учун ўйлаб топилганини тушутиришга уринди. Шимол мансабдорларининг ўпкасини бироз бўлса-да, бо с и б кўйиш учун агентлик махсус резолюция х а м бабул қилди. Пхеньян хукумати эса бунга жавобан Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан чиққанини бутун дунёга овоза қил-

ГУМАНИТАР ИНҚИРОЗ ЁҚАСИДА

операция бошланишига ҳам бир баҳар қолганди). Б и р о қ шунчи ҳам айтиш керакки, Вашингтоннинг Пхеньянга муносабати жуда тез, худди бахори баҳарида оҳанг ағдариб туради. Яқингача Буш маъмурияти, хусусан, Президентнинг ўзи "Зулм ўқи" мамлакатлари руйхатида муҳим ва муқим уринини банд этиб келаятган Шимолӣ Кореядаги аҳолини яқшиллаш учун жиддий чора-тадбирлар қўриш кераклигини бот-бот катта минбарларда тақрорлаётганди (қундай равшаник, Вашингтон қўради-ган жиддий чора деганда, энг камда айбдор деб ҳисобланаётган раҳбарнинг "паттаси"ни қўлига тутқазми ёки амал-

ланган миллатчи ёшлар авлоди етишиб чиқди. Фуқаро полициясининг норози қайфиятдаги вақиллари уларга йиллошловчилик қилишди. Миллатчи-айримчиларнинг хатти-ҳаракати плакатлар кўтарган намойишчилардан фарқ қилди. Чунки улар қойиммақом режалаштирилган террорчилик ҳужумларини амалга оширишди. Ана шундай ташкилотлардан бири — "Миллий альянс"га Уильям Пирс исмли шахс асос солган. Унинг "Тёрнер қундалиқлари" китобини Америка миллатчиларининг "Библия"си деб аташди. Китобда АҚШдаги яҳудий ҳамда қора танли кишиларни йўқ-

Таҳлил

АҚШдек тараққий этган мамлакатда ҳам хануз бузғунчилик ва кўпуровчилик билан шугулланадиган ўнлаб миллатчи ташкилотлар мавजूд. Қизғин, Федерал қидирув бюроси ва Марказий разведка бошқармасининг қўзи ва сўзи ўткир агентлари ҳам бу гуруҳлар ҳақида муфассал маълумотга эга эмас. Террорчилик ташкилотлари тарихини суриштирганда эса, ҳайротомуз далилларга дуч келасиз. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, ҳозир давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган террорчилик гуруҳларини бир пайтлар Америка ҳукумати ўзини ташкил қилган ва ўзи "боқиб, катта қилган"да.

ТЕРРОР: MADE IN AMERICA

1950-йилларда, "совуқ уруш" эндигина бошланган даврда АҚШ Президенти Дуайт Эйзенхауэр хавфсизликни қучайтириш мақсадида оддий америкаликлардан фуқаро мудофасига гуруҳларини ташкил этишга қарор қилди. Ҳар бир шатладан саралаб олинган кишиларнинг ўқитиш ва қуроллантириш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилди. Уларга уруш қўраган офицерлар сабоқ беришди. Янги ҳаракат фуқаро поли-

Мулоқот

фозия нормаларидан воз кечилиб, собиқ пойтахт, мамлакатдаги энг катта шаҳар Истанбул шевасига эга талаффуз, янаям аниқроғи — истанбуллик олиффа хонимларнинг сўзлаш оҳанги турк талаффузи учун норма қилиб белгиланди — тилшунослар шу нарсани тўғри, деб далиллади.

ЎЗБЕК ТАЛАФФУЗИ

Тобора ингичкалашиб, бачканалашиб бораёпти

Ўқтам овозлар қани?

каби осон ва равои кемайдиган бўлиб қолди. Бу эса туркий дунё учун ижобий ҳол эканлиғи дарғумон... Майли, бу уларнинг ўз иши, хоҳиши. Мисолдан мақсад шунки, боа айтганимиздай, элимизда ҳар қайси минтақага хос маҳаллий белгилар тобора едирилиб бораётган ва миллий уюлиш жараёни тезлашганда хозирги пайтда шу масалалар бизнинг олдимизда ҳам қўндаланг бўлапти. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун ҳаракат қўчадиган ва кейинчалик бу ҳақда қонун қабул қилинган йилларда тилимизни тозалаш, туркий, арабий ва форсий сўзлар ҳисобига лугат таркибининг бойитиш, бир маҳаллар турли чет тиллардан киритилган сўзлардан воз келиш, ўрнига тарихан кенг қўлланган сўзларни қайта олиб қиришга уриниш қолди сезилди. Бу ҳам — тил тараққийтидаги ўзига хос бир тамойил. Хайриятки, биз бу соҳада радикал методлар ўтқазми йўлини танламадик ва бунинг шарофати ўларок, тарихий узвийликка пўтур етмади.

Эндики навбат — ўзбек талаффузи масаласини миллий миқёсда халқ этишга! Ҳар ким ўзи билган оҳангини тўғри деб ҳисоблаб, уни бутун ўзбек халқи орасида жорийлаб берадиган бўлса, теле ва радиоканалларнинг қақажон қизларини тортинмай бидиришани ҳуш-

даги ҳукуматнинг бутунлай алмаштирилиши тушунилади). Ана шу ёзилмаган қондаг асосланиб, қўнчилиқ "Сам амаки" қўраётган йўлдан юрмаётган Пхеньян боғлаб жазоланишни қўтаётганди. Бирок воқеалар ривож бошқачарок манзара касб этди. Президент Жорж Буш Шимолӣ Корея муаммосини имкон қадар дипломатик йўл билан хал этиш зарурлигини бидириб, Вашингтоннинг асосий мудааси, айримлар ўйлаётганидек,

ГУМАНИТАР ИНҚИРОЗ ЁҚАСИДА

борот воситаларида Шимолӣ Корея гуманитар инқироз ёқасига келиб қолгани тўғрисида ташвиш ва хавотир билан ёзилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги пайтда мамлакатда олиб борилаётган ядро изланишлари оддий халқ турмушини танг ахволга келтириб қўйди. Мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар гирдобидан чиқолмай қолди.

БМТ ва Европа Иттифоқи ҳамкорликда ўтказган тадқиқот натижаларига қараганда, Шимолӣ Кореядаги ки-чк ёшли болаларнинг ҳар ўнтадан биттаси очлик заҳматини чекимоқда. У м у м и й хисобда эса кичик ёшдаги аҳоли гуруҳининг 40 фоиз тўйиб овқатланмаётган. Очлик муаммоси Шимолӣ Корея х а л қ и н и кўндан буюн қийнаб келди. 1990-йиллар ўртасида мамлакатда оммавий очлик ҳам рўй берганди. Уша вақтдаги ҳисоб-китобларга қараганда, 1 миллионга яқин киши ана шу кўзга кўринмас офатдан ўлим топганди. Бирок ўша оғир замонларда ҳам мамлакат ҳукумати халқро ҳамжамиятдан ёрдам сўрашни ўзига эл қўрмади, тўғрироғи, инсонпарварлик ёрдами олишни ор деб билди. Ҳозир

да айбниб, суд қилинди. 1997 йили "Милиция" радиоканал гуруҳи аъзоси В. Бреси ўз ташкилоти фойдасига банкдан 10 миллион доллар умараётганда хиёбга олинди. 1996 йили "Гестапо Фарзангандари" гуруҳи жангарилари Аризонада икки поездини релсыдан чиқариб, ағдариб юборишди. Террористлар бу махсус хизмат т о м о н и д а ўлдирилган саф-

ТЕРРОР: MADE IN AMERICA

дошлари учун қасос эканини маълум қилишди. 1997 йили Ричард Макларен раҳбарлигидаги "Техас Республикаси" ташкилоти аъзолари бир неча кишини гаровга олишди. Жангариларнинг талаби одатдагидан бироз бошқачарок бўлди: улар гаровдагиларни озод қилиш эвазига Техас суверенитетини тиклаш масаласида референдум ўтқазми шартини қўйишди. 1998 йили ФКБ ҳодимлари "милиция"чиларнинг бир гуруҳини қўлга олишди. Тин-

Мулоқот

бир нафас ҳам керак. Таажубки, ана шу ўзбекона нафас дегани, қўлларга насиб бўлмайдиган нафас экан. Тўғриси, ҳозир уйда бола-чака билан кам сўбатлашамиз, кўпроқ радиода телевизорга қўлоқ солаемиз. Оила аъзолари ёки ёр-биродарнинг гапидан кўра телевизору радионинг сўзини кўпроқ эшитамиз. Шундай экан, сизу бизнинг гапираришимизга ва шу тариха — жами эл-улуснинг нутқиға ана ўша радиочиларнинг гапирариш услуби таъсир қилиши тайин гап.

ЎЗБЕК ТАЛАФФУЗИ

Тобора ингичкалашиб, бачканалашиб бораёпти

Ўқтам овозлар қани?

рамадан бўлади. Ана шу аснода фақат ахборот мазмунини эмас, оҳанглари ҳам кишига беихтиёр юка боради. Бу юқини қўлами эса қундан-қунга ошаётган. Табиий, ҳар бир жойинг ўз лаҳзасиго шеваси бор. Кишилар уйда, қўча-қўйда ана шу шевалар гапиршади. Аммо идорарда иш юритилмайди. Қорхона ва ташкилотларда адабий тил қўлланади. "Давлат тили" деган статус ҳам умуман тилимизга эмас, ўзбек адабий тилига берилган мақом. Фақат уғина бутун ўзбек халқи учун ягона ва муштарак. Адабий тил эса яна сўзлар, жаргон ва ҳоқазоларни қўлламасликдан иборатгина эмас. Адабий тил тўғри талаффуздан бошланади.

Ўзбек тилида тўғри талаффуз қилишнинг мушкуллиғи йўқ. Ҳар бир товушини тўғри ифодашга, жумла мазмунини ва руҳидан келиб чиқиб ҳар қайси тилини белгисини фарқлаш, сўз ургуси ва мантаний ургунин ажрата билиш талаб этилади. Ҳоло, Аммо қизикки, айнан сўз соҳасида ишлабдиган кўп актёрлар, дикторлар ва б. ўзбек сўзи товушларини тўғри талаффуз қила олмайдиган, гапирётган чоғда қачон тўхталиш ва қачон тин олиш керак, жумланинг мазмунини ва матн руҳи қандай оҳангини тақозо қилади, қўламади асосий "қоқ ташийдиган" сўз қайси — билмайди. Қолаверса, ашу-лачилар айтганидай, нафас... ўзбекона

хам Пхеньян халқро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг мадад қўрашми тақдирини буюнчиқ бераётгандай. Ёки, Шимолӣ Корея раҳбарияти фақат ўзининг қучига ишониб, ўзгара ёрдамига умид қилмасликни тарғиб қилувчи "чуче" қарашларига эътиқод қилади...

Гарчи ҳукумат сўров билан мурожаат қилмаган бўлса-да, мутараққий давлатлар томонидан, шунингдек, БМТнинг ҳам озиқ-овқат дастури доира-сида қорейликларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келиняпти. Бирок кузатувчилар фикрича, мамлакатга киритилган озиқ-овқат маҳсулотларининг салмоқли қисмини ёрдамга муҳтоқ аҳоли қўлига етиб бормапти. Ушбу ҳолат бўйича мониторинг — текширув ўтқазмиға эса ҳукумат изн бормапти. Саломга алик бўлмағач, табиийки, эндигина ишлашга бошлаган муносабатлар ҳам мўзага айланади. АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, каби донор мамлакатлар ҳам Пхеньян билан "бекинмачок" ўйнашни ортиқ истамаятирлар ва шу боис ҳам улар томонидан шимолликлар учун ажратилаётган маблағ қўғи тобора пасайиб кетаяпти. Масалан, Қўша Штатлар маъмурияти жорий йилда Шимолӣ Кореяга ўтган йилдагидан анча камроқ — 100 минг тонна озиқ-овқат юборишни режалаштирган. Жаҳон озиқ-овқат дастури раҳбарияти эса бу йил кўзда тутилган инсонпарварлик ёрдамининг учдан икки қисмининига юборишга қарор қилган.

Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, Шимолӣ Кореядаги нобоп сиёсий муҳит озиқ-овқат тақчиллиғи билан бирга қочқоқлар муаммосини келтириб чиқарди. Бунинг кунда мамлакатнинг минглаб сонли аҳолиси тинч ва фаровон ма-

Хориз матбуоти асосида



рида Қўша Штатларда кузатишган боқинчилик, кўпуровчилик, қочқоқлар каби ўта оғир жиноятларнинг 22 фоизи ўн йўналишдаги экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилган. Шу боис, яъни мамлакатда тобора авж олиб бораётган жиноятлар олдин олиш учун ўша пайтдаги президенти Билл Клинтон Американи қуролсизлантиришга ҳаракат қилди. Унинг даврда қурол-яроғ савдосини чеклаш тўғрисида қонун қабул қилиш гояси илгари сурилди. Лекин бу ташаббусни айрим штатлар норозилик чиқишлари билан қўлиб олди. Масалан, Флориданинг Сент-Луис шаҳрида бўлиб ўтган оммавий намойишда бутун шаҳар — қуролланган эркак-аёллар, ҳатто болалар иштирок этди. Шу тариха қурол савдосини чеклаш фикри ўнгилик ҳам кетди. Бирок 1990-йиллар поёнида Америка мактабларидаги отишмаларда ўнлаб ўқувчиларнинг ҳалок бўлиши ана ўша пайтдаги президенти Билл Клинтоннинг таъкидлашга асос бўлди. Бирок шунга қарамай, давлат бюджетига улкан фойда келтирувчи бевасоюдан маъмурият, Фақат биргина янги қонун жорий этилди: сотувчиларнинг қурол сўтиганини тасдиқловчи ҳар бир чекни маҳаллий ҳукуқтартибот идораларига топшириш мажбурий деб белгиланиб кетди...

Хориз матбуоти асосида

Статистик маълумотларга қараганда, 1990-йиллар охи-

Хориз матбуоти асосида

Умуман, эътибор берган бўлсангиз, миллатимизнинг овози ингичкалашиб бораётгандай. Мулла Тўйчи ҳофиз овозини олдинг, Юнус Раҳимовнинг, Ҳожи-хон Болтаевнинг олинг, Маъмуржон Узоқов Ортиққўжа Имомхўраевларнинг товушини эсланг. Кейинчалик Фаҳриддин Умаров, Таваккал Қодирларнинг бироз шикастарок этган товушларига ўрганивдик. Ҳозирга келиб эса, қизлардан ҳам ингичка товушда нола қилдиган йигитлар овозига қўнқаялмиш. Айниқса, астрада жанрида эркак овоз билан қўшиқ айтдиган йигит қолмади шекилли. Нафақат астрада, балки бутун қўшиқчилигимизда ҳам овоз йўналиши тобора ингичкалашиб, тобора шикасталашиб бораётгандай. Йилгоқи (буғун қўшни қишлоққа келин тушди, ёр-ёр...), хотинлашми овоз билан айтиладиган ашулаларга қуни-сини ё йўқолсин, деймайман.

Хориз матбуоти асосида

Аммо... Ҳур бўлдиқ, эркин бир эл бўлдиқ. Муте эмасмиш, бўйинимиз эгик эмас, тилимиз қисик жойи йўқ. Шундай экан, бошини балаанд қўтариб қўйлай оладиган, овози зал ё майдоннинг нариги бошига овозқучайтиргичси бемалол етадиган қўшқинлар ҳам керакми, дейман. Тўғриси, мен микрофон-сиз қўлай олмайдиган одамни қўшқичи деб билмайман, нари бора, киргойичи деб. Ўзбекининг овози, миллатимнинг овози — мана бунча бўлади, дея бошқалар олдида фаришанга ярашадиган, баайни Муҳиддинроқ Ҳўбков овозидай овозлар ҳам керак, ахир.

Хуллас, тилимиз, лафизимиз бузил-маса, деймиш. Авлодларроқ боғлиқлик бардавом бўлишини истаймиш. Зеро, тил — дил қалити, қўнғил қўзғуси. Бу ойна хира тортмасиди, деб орзулаётганимиз. Бунинг учун эса ёш дикторлар бошини қовуштириб, уларга ўргатиш лозим, ёш қонандлар товушига сайқал берадиган муассасалар ҳам бу тўғрида ўйлаб қўришса, айнаи мудадо бўларди.

Нугоҳ

ШОИРНИНГ «САҲРОЙИ ГУЛЛАР»И

Муҳаммад Исмоили 90-йиллар бошида Ўзбекистон уюшмасида ишлаган пайтлардан буюн биланам.

У пайтларда Ўзбекистон уюшмасига келган қаламкаш бу жойда "тирик классик"ларни кўриб, улар билан беамал эркин мулоқот қилиш, ҳатто жиндай уфатчилик қилиш шарафига мўъсаб бўлар эди. Бундай эркинлик дароҳотида руҳланган, бироз руҳий тушунчиликка сарф бўлган эгиз юрган ёш шоир ёки юсир "ижодий муҳит" деган адабий жараён қозонида кайнард.

Даврнинг энг ориқли, долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиб, эл қатори соғу омон юрган адибларнинг худди уларга ўхшаш оддий, камсуқум инсонлар эканлиги уларга ўзгача шижоат бағишлаганлиги ҳам оддий ҳол эди ўшанда. Энг муҳими, эл ҳақини ёб, кемириб, семириб юрганларнинг мадҳига айланмади бу авлод! Адабиётнинг машаққатли сўмқокларида собиткадамлик билан юришни тўхтатмади бу авлод! Ушбу "Бошқориктисоди" деган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тушунарлар "калхатдай бос" тириб келган дастлабки йилларда шоирларнинг сулим "каманзордаги бўлбур"дай ўзларини чағарган ўқиш-йилма билмай қолгани ҳам бир гал.

Муҳаммад Исмоил ана шу талотўплар ичида ўсиб-ўлғайди. Шоирнинг лирик шеърларини ўқир эканмиз, Онага, Ватанга, ёрига бўлган муҳаббатни улғайиб, қомиллашиб, Яратган биру бор сари юксалаётганини кузатамиз. Шеърдан шеърга ўсиш, ҳаётнинг турфа суронларидан жунбуша келиб кун сайин икна тортаётган безовта қалбнинг қасбу қори.

Уз қалбнинг сирдоши айланган шоирнинг ҳасби хориши унинг шеърлари орқалигина англаш мумкин. У ҳатто баъзан қалбнинг бунчалар сербардошлигидан ўзиям ҳайратланиди:

Узга сайрадан келсан бу юрак, Узга оламлардан келсан бу жон!

Ёки:

Эй, шуур, онг берувчи, тасаввур ёдусида, Ҳақ қўли-ла ҳаётимга соқласанми бир назар! Бир ласхга оғайи токи, маҳсулот қуввусида, Ҳақ қўлидан токи ўшунга тасвиқини беҳабар...

"Бу маҳзун дунёда юрмоқлик армон", "Узга оламларда бўлса Ватанинг,

ўзга оламларда бўлса муҳаббат...". Мунаққидларимиз ижодкорнинг шахси билан иш тутма, энг муҳими, унинг ижоди, деган ақидани кўп тарқорлади. Бу гўё, мулланнинг айтганини қил, қилганини қилма, дегандай гап. Бу ёлгон тасаввур! Шоир ижодиди қандай бўлса, ҳаётда ҳам шундай бўлмоғи лозим. Аксинча, кўп кўриб юрганмишдек мунофиқлик бошланади. Зўр шоир Худо берган иқтидори билан гўзал шеърлар ёзса-ю, Худо таъкирлаган инсонгарчиликдан ташқари ишлар билан машғул бўлса. Бу тақдир муаммолар буйича Муҳаммад Исмоил билан кўп баҳслашганмиш...

Унинг "Тасаввур чизиклари"даги "...Шайтон ўзи кўринмайди-ю, лекин қилган ишларининг ҳаммаси кўзга ташланади туради". "Биз шунчалек эрка одамлармики, ҳатто яшаш учун курашин билмаймиш". "Агар одамлар қилган гуноҳлардан ҳид чиққанда эди, ёр юзи сасиб кетарди?". "Одамларни бир-бирига қарши қўйиб, ҳурфикрликни бугунги кунга энг омон йўлдир..." каби фалсафий мулоҳазалари ҳаётга ўзгача нигоҳ билан қарашига ундайди. Ҳамма замоналарда ҳам ҳақиқатни баралла айтиш осон бўлмаган.

Антик адабиётдаги тоғдан қулаётган тошни ҳар гал қайта ташиш азобиға маҳкум этилган Сизиф афсонасини эсланг. Муҳаммад Исмоил тошни ўзгача талқин этади. Қўлига тош олиб бировни тошбўрон қилишга шайланган оломнинг ўзи покми?! Уларнинг орасида ўзлари тошбўронга лойик қанча осийлар бор. Гоҳо қисмат мулқак бергич одам тақдирини ҳар қандай равишдан тоқмайди. Мут-тахам, мунофиқлар қўлига топширади... Муҳаммад Исмоил табиятан фалсафий мушоҳадага мойил ижодкор:

То тугилдим, марк эммади минг бир савола, Ҳаёт нима, умр нима, ўзим қилмади?

Хизмат тақозосига кўра сўнги йилларда дунёнинг кўп давлатларида бўлди. Бу сафарлардан тўлиб-тошиб қайтди. Кўрган-кечирганларини тасвирлар экан, ҳар гал ўзимизнинг бироз биқик, ҳар хил меърий ётлонларга ўраллашиб қолган ҳаёт тарзимизга қўли бўларлик янгликларини тўхфа этади. Бу сафар ҳақларини унинг шеърлари, киссалари, мукхтасар бадиалари, ҳатто киносценарийларида баҳоли қудрат ўз ифодасини топган. Париж сафаридан қайтишда замонамизнинг

забардаст адиби Чингиз Айтматов билан учрашув муносабати билан ёзилган бадиасида ўзбек адибиётини жаҳонга танитиш муаммолари ҳақида мулоҳаза қўрилади. Кўпинча истеъодларга нисбатан истеъдодсизлар сөрмахсулор келади. Кўпчилик даҳо адиблар ўз имконларидан кўра камроқ ижод қилганлар. Турмушнинг арзимас, ўткинчи ташвишларига бўйин эгшига маҳкумлиқ, қолаверса, бу дунёнинг бебақолиғини англаган саринг қалби тобора ҳазин туғилурга ошно этиб, хоинликка ундовчи кайфиятлар баъзан ижодкорни тоқтиради, бездиради. Гоҳо тайёр имконлар бизни чеқлайди. Муҳими, кўп эмас, қандай эқишда. Озу сўз. Шоир айтгандай фараҳли, умидли:

... То кўқиб қутмайин ҳар келар қуни, То менинг қасдиға чиқмаси қуёш. То бўғимдан чиқар энг сўнги уни Маодигиға қўлайин, мушқулмиги ё...

Хулосадан олдин айтмоқчимизки, ушбу мақолани ёзишимиз сабаб, бугунги шеъримиз яна юксак поғоналарга кўтарилмоқда. Муҳаммад Исмоил гоҳо ўз "мен"ини камситиб бўлса-да, ўзига "бўйрилган" вазифани теран англаб қалам тортаётган қаламкаш сифатида саксонинчи йиллар ўзбек адабиётига ўз овози билан дадил қариб келган миллий шоирларимизнинг бетакор вақилларидан бири. Лермонтовнинг: "Эй, гуслар ўғлонлар, қандай бошладингиз, шундоқ туратинг..." деган ўлимас сатрлари бор. Биз ҳам шу муносабат билан сермулоҳаза шоиримизга ўтган асрнинг саксонинчи йилларида майдонга келган истеъодли ҳамма камтарин авлоднинг бир вақилига айтганимиз каби унга, унинг ўзигагина хос бўлган ўша сирли ва ўжар шижоат хамиша ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз!

Ҳамроқул АСҚАР

Ҳавас

Шоирлиги шукки, ким нима демасин, чиппа-чин ишонади; а-андек илик гапдан кўнгли тоғларга кўтарилса, са-ал ҳазилдан дили хуфтон бўлади. Олифталар — унга ёт, мактанишин билмайди, андиша шу даражада қучлики, ҳатто торроқ даврада шеър ўқишдан-да ийманади, денг. Абдулла шунақа, давоси йўқ шоир. Шу боис ҳам даста-даста шеър қўйиқлар турли журнал-газета таҳририятига эшик қоқиб бормайди, шеърини чоп эттириш учун айрим валломат адабий ходимларни ароқ билан сийламайди, "оқ йўл" ёзиб беришини сўраб баъзи "классик"ларнинг уйига совга-салом қўйиқлаб бормайди. Чунки у... шоир-да! Шеър билан рўзгор тебрати бўлмаслигини яхши билади, бироқ "шиғир"дан бошқа меҳнатга бўйни сир бермайди. Келинга раҳмат, келинга қойил, нафосату фасоҳатнинг паст-баландини яхши илғамаслиги мумкин, аммо Абдуллани, шоиргина-си тушунади, тушуниш ҳам гапми, жуфти ҳалол кўнглидаги галаёларни юракдан ҳис этади... Шундоқ булғач, Абдулла шеър ёзмай, ким ёсин?!

Тонг чоғида ҳаволанур наволарим, Шуккур, дега сабонлар самоларим, Сўз нури-ла зиллар ўшуним, Адашларим, Сендан ёлғиз ўтқиним шу.

Аслида-ку шеър, шеърят ҳақида сўз юритмоққа биздақларга йўл бўлсин. Бироқ Абдулланинг шеърларини ўқигач, бир нималар дегинг, ёзгинг келаверади... Аммо кўнглингни қитиқлаётган ўша "бир нималар" қорғозга тушса, қани?! Мундоқ ўйлаб қарасам, Абдулла фақат ўзини шеърга соларкан, шоир билан бир вақтлар бирга ишлаб, бирга туз-намак бўлиб, эндиликда (шоир пойтхатдан Фарғонага кетворгандан сўнг) ҳам салом-алиқ бўлгани боис унинг дарди-изтироблар, бориники, эзгу-ниятларидан яхши воқифлигим учунми, эҳтимол, шеърлари ўзгача таъсир қилар... Биз-ку, катта идадалар билан пойтхатда қўлиб, рўзгор деган жоғуа эгирдек истеъдодни қурбон қилганимиз етмагандек, эў-ўрман деган давбо билан олифалик қилиб юраверибмиз, ўз вақтида этганини ёпиб, Фарғонага кетворган Абдулла аллақачон шоир эканини исботлаб қўйибди. Исботларки, унда на таъна бор, на идадо...

Камсуқум, камтарлигинга беш кетдим, биродар! Ёшман, узғу ҳикматларга етгим келур, Соборларинг этгадан тўтгим келур, Сармат, бўлиб ишқ майдан тоғим келур, Ажиб, қутлуғ, буюк, ўтлуғ таманно бу.

— Мен бундан уч йил бурун келиб, шу ердан дардимга даво топганман. Шунинг учун ҳар йили келялман. Бунақанги об-ҳаво ҳеч ерда йўқ. Ходимлар гоғтада меҳрибон, тилидан бол тўмади. Энг муҳими биронгаси тамағир эмас. Сихаттоқнинг ичи ҳам, таши ҳам бирдай покиза, шинам, тинч-осойишта. Биринчи қаватда ҳам деразаларни очиб қўйиб ухлаймиз. Маданий-маърифий хизмат аъло даражада. Мен санатория хизматчиларига беморларга мана шунақа фидаийлик билан ҳалол хизмат қилиб, дуо олишда бардамлик тилайман.

Мансур ХОЖИ РИЗАМУ-ХАМЕДОВ, Ташкент вилоятининг "Назарбек" ширкат хўжалигида фермер: — Мен республикамиздаги кўп санаторияларда бўлганман. Аммо уларнинг биронтасини "Косонсой"га қийслаб олмайдим. Зероки, бу ерда бош ҳақимдан тортиб дарвозабонгача хушмуомала, меҳмонга таъзим-тавозеда, дину диёнати, сидқидилдан хизмат қилишдади, даволашдади. Бунинг сабабини кейин билдим: Косонсойни айлансам, бутун халқ покиза, шарм-ҳаёли, битта ҳам қаланги-қасангини кўрмайсиз; папирос тўшлаб, сақич чайнаб, ширақайғи юрганни асло учратмайсиз. Мен даволоччи врач Убайдулло Дадажонов, ўқаловчи шифокор Каримжон Тоҳибеов, балчик, парафин, электр қуввати билан даволоччи ҳамшираларнинг бир умрига миннатдорман. Нафас олишим енгиллашди, ошқозон-ичакларимдаги ориқлар бартарар бўлди.

Нортожи СОЙМОНОВ, кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, Қашқадарь вилоятидаги "Сойим ота" фермер хўжалигининг бошлиғи: — Юртимизда шундай гўзал гуша борлигини билмай юрган эканман. Бу ердаги сифатли даволаш, тинч-осойишталик, меҳрибончилик таърифлашга тил ожиз. Ун уч кунда водийдаги уч вилоят хофизлари келиб концерт беришди, косонсойлик Исмолжон полвон ўз дастаси билан ажойиб масхарабоз эканлигини кўрсатди. Бундан кейин мен фақат шу даргоҳга даволанганим, дам олгани келаман. Чунки санатория ходимларининг меҳри мени сеҳрлаб қўйди. Уларда ана шу инсонийлик беадоғ бўлсин!

Биз ана шундай таассуротлардан сўнг санаториянинг истиқболи қанча буларкан, деган андиша билан бош ҳақим Нўмонхон Мўйдинов хузурда бўлди. — Сихаттоқимиз келажакда бундан ҳам яшилланади, — дея гап бошлади бош ҳақим. — Авваламбор қўлакамзорлаштириш борасидаги ишимиз давом этади. Узингиз қуриб турибсиз: бир қанча арчсимон дархатлар ўтказдик. Уларнинг тепасига шовва-фонтан қурадим. Бу боғимиз ҳавосини янада му-


саффо қилади. Кейинги йилларда оилавий дам олувчилар оқими ошиб бормоқда. Биз даволаш биносини таъмири билан бир пайтда ана шу халқ эҳтиёжини ҳисобга олиб, оилалар учун коттеж — ётқонхона қуришни ҳам бошлаб юборамиз. Бундан ташқари, асосий ётқонхонага туташган тепаликда минерал сувли ҳавза — бассейн қуриш режалаштирилган. Беморларни қуёш нури, кум билан даволашни теъза бошлаш кум тартибидан турган долзарб вазифаларимиздан. Хуллас, бизга келган хаста даволашни кетса, муродимизга етган бўламиз.

Хонадан чиқсак, тиниб-тинчимас бош ҳамшира Ойшахон Қудратова бир гуруҳ даволанувчилар билан олмазорлар оралаб бориб, зиналардан жарликка — сой бўйи — сўлим-сўлим қирғоққа тушиб бораётган эди. Уларга соғ тан, мусофто тоғ ҳавоси ҳаммиша ҳамдам бўлишини тилаб қолдик.

Ҳамиджон ҲАМИДИЙ

Ҳоралқ

КОСОНСОЙДА ШУНДАЙ ГЎША БОР



Косонсойни Ўзбекистоннинг Швейцарияси ҳам дейишади. Зероки, оқосон Чоққол тизма тоғлари бағридан отилиб чиқиб, ўрқач-ўрқач бўлиб оқиб турган Косонсой дарёси икки соҳилга ўзгача файз, ўзгача тароват бахш этади: хамиша гир-гир эсиб турадиган майин шабада сув пуфакчаларини ёриб, улардаги наммуш ҳавони одамлар димоғига эптади. Айтишларича, кум ва шагаллари таркибидо олтини мўл бўлган бу сувда бир марта юз-қўлини ювган одамнинг териси умр бўйи губорозиз бўлармиш. Бунинг шу кунларда ҳам сувнинг Қирғизистон худудидagi қирғоқларида табиий

Санаториянинг ётқонхона, киротхона, ибодатхона, даволаш шахобчалари кенг, ёриқ, пок-покиза. Барчаси бир бино худудига олинган. Шунинг учун миқозлар орқича ташвиш, югур-югурлардан холи. Кейинги йилларда сихаттоқда даволанувчилар сони ошди. Айни ёз чилласида бу даргоҳ 200-250 нафаргача беморларни қабул қилди; оилавий дам олувчилар, оналар ва болаларни даволаб жўнатмиш ҳам йўлга

йўсинда олтин ажратиб олувчилар фаолият кўрсатётганлиги тасдиқлайди. Сою жилгалари, боғу роғлари "пешбаррадай" (Бобур) ана шу сулим гўшад "Косонсой" санаторияси жойлашган. Бу сихаттоқ 1985 йили тумандаги умумхалқ ҳашари анъанаси билан қурилган. Ушандан бери бу даргоҳда нафас йўли, асаб, туз йиғилиш, бугунлар орғиги, юрак, ошқозон, ичак сингари бўлган юртдошларимиз ўз дардларига даво топмоқдалар. Қўллага ҳақимлар, тиббиёт ходимлари беморлар хизматида.

Кўйилди. Манзилнинг тоза ҳавоси, хусусан, "Косонсой" маъданли сувининг шифобахш ҳоссаи миқозларни кўпроқ ўзига мафтун этмоқда. Айниқса, санатория раҳбарларининг, даволоччи врачлар, ҳамшираларнинг меҳрибонлиғи самимийлиги, ширинсуханлиғи-ю хуш-тавозеэлиғи даволанувчиларни манмун этмоқда. Мана, сўзни уларнинг ўзидан эшитинг:

Воситжон ТОХИРЖОНОВ, андижонлик муҳандис: — Юртимизда шундай гўзал гуша борлигини билмай юрган эканман. Бу ердаги сифатли даволаш, тинч-осойишталик, меҳрибончилик таърифлашга тил ожиз. Ун уч кунда водийдаги уч вилоят хофизлари келиб концерт беришди, косонсойлик Исмолжон полвон ўз дастаси билан ажойиб масхарабоз эканлигини кўрсатди. Бундан кейин мен фақат шу даргоҳга даволанганим, дам олгани келаман. Чунки санатория ходимларининг меҳри мени сеҳрлаб қўйди. Уларда ана шу инсонийлик беадоғ бўлсин!

Advertisement for Voice of America America ovozini. Includes website URL www.voanews.com/uzbek, contact information, and a list of services offered.

Ў-ўх, Абдуллажон, биз тинглаб, ўқиб юрган ҳикмат — қуруқ сафсата бўлиб қиди; этагини тутган "собиримиз" — иккиозламачи, ориятсиз; тоғиб юрган "ишқ майларни" бошимизга бало бўлдики, эндиликда тоғга теккан бошга шўрпахта қўя олмай ҳалакити... Бугун қарасакки, умринг ярми ўтиб бўпти ҳисоб, қолгани билан нимаам қила олардик шу ахволда... Минбарларда томоқ йиртиб ваъз айтиш — қаҳрамонлик эмас, сафсатабозлик экан, ёзганларимиз "маддох" деган ном олиб берди, кўнгли шу даражада могорлабдики, на-дзимизда, сендек пок шоир — девона; шеъринг — замон руҳи акс этмаган сўзлар тизмаси...

Ох, ён, дилим, ох, қон дилим, ҳайрон дилим, Ошқарларга боққан бало чандон, дилим, Йўл ярмида қолмасан полон, дилим, Қодиримса покламоққа ўзи мангу...

Хар тонг катта йўл ёқасида қўлчамизнинг кўрсаткич бармоғи билан такаббурона, тақси ёллаб, ишқонга йўл олаётганимизда, Абдулла, шоир Абдулла, эски велосипеднинг мойсиргани гилдарини гичирлатиб ишга — "Фарғона ҳақиқати"га келади, келади-ю жон халатда телефонга ёпишмайдикки, ҳўл раис бува, бугдоёга ўроқ тушимди, план қалай; кози бува, номингиздан мақола чиқиб керак экан, хукилардан берсангиз; лозим бува, хашарчилар хузурда сўзлашганиз ҳоким бўлган нутқ тайёр... деб. Бундай юмушлар Абдуллага — ёт, вилоят газетидо бўлим мудири эди, шеър ёзишимга ҳалал берпоти, дея мудириданг иктиёрни равишда воз кечиб, тахририятдаг энг кичик лавозим — мушаххилкага ўтволган. Ҳа, ха, худди шундоқ, энг кичкина лавозимини сўраб олган, каттарок бўлим бошқаришга ёҳуд ўринбосарликка даввоси ҳам, интилиши ҳам йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки Абдулла — гирт шоир-да?! Нариде-и юмушини бажариб, бирор қаҳвахонага майдўрликка шошмайди, уч-тўрттаси билан гийбатхўрлик-да қилмайди, бировага оғри ҳам, енгилли ҳам йўқ; ҳамхонасига синиқ гиймиларий хайр дейди-да, ана велосипедни гичирлатиб, ҳамён кутарса китоб дўконига, йўкса кутубхонага равона бўлди... Йўл бўйи юз-қўлидан тер, кўнглидан шеър тўкилиб бораверади. Тўқилган шеърларнинг бир қисми жамланиб китоб шаклига келиб, унга "Пок сирлар булоғи" дея ном қўйибди шоир.


Дида борин битий десам, қорғоз етмас, Ҳам тавбасиз, узг самъа овоз етмас, Эй Абдулла, тафаккур қил, соғиш бул, бас, Бу дунёда сен қидирган тўғри йўл бу...

Шоир Абдулла Содикнинг пок сирлар булоғидан бир ховуч ичиш бизга ҳам насиб этди. Ташналик қонмадику-я, аммо шу-кур айтмасак бўлмас: Алхамдулилла!

А. ТУРСУНАЛИ

Премьера

«ИРСУТЪЛК АФАНДИЛАР»



"Hurriyat"да бундан икки ой муқаддам "Ургутлик афандилар" номли янги тўлиқ метражли кинокомедияни тасвирга олиш ишлари бошлангани ҳақида хабар бергандик. Ўзбек киночилиғи тарихида илк бор жуда қисқа давр ичида бадиий фильм яратилди. Тасвирга олиш туғилганда, кейин ордан атиги икки ой ўтиб, фильм тоқшабинлар ҳўжмага ҳавола қилинмоқда. Кишлоқ ҳаётидан олдинг қулғили воқеалар ва афандимижоз кишиларнинг хатти-ҳаракатлари

томошабинни бефарқ қолдирмай, ақсинча мириқиб қулдиради. Устига устак, фильмдаги асосий ролларни "Хандалак" кўрсатуви орқали яхши таниш бўлган Ортиқ Султонов ва Зокир Очилди-евлар ижро этган бўлса, уларнинг "турмуш ўрқоқлари" роллида Барчада Яхши таниш бўлган Саида Раметова ва Раъно Ярашевона кўрамиз.

"Ургутлик афандилар"нинг ана бир ўзига хослиғи шундаки, фильм премьераси ва намойишлари пойтхатимизнинг энг катта киноқизинг залли ҳисобланган "Халқлар дўстиғи" саройида ўтказилади. Мазкур саройда тарихда биринчи марта ўзбек бадиий фильмнинг тақдироти бўлади. Кинога келган юртдошларимиз фақатгина фильминг томоша қилибгина қолмасдан, ҳар бир намойиш оқлидан "Хандалак"чилар билан ижодий учрашувга ҳам гувоҳ бўлишади. Демак, кўги шинавандаларини 21-30 сентябрь кунлари "Халқлар дўстиғи" саройига тақлиф қиламиз.

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ

Мулоқот

"ЎТТАН ҚУНЛАР" ИНГЛИЗЧАГА ЎГИРИЛДИ

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда АҚШнинг Вашингтон уни-верситети Маданий тадиқчилар ва диншунослик бўйича ҳамкорлик ташкилоти ўрта-сидаги алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Утган йили Вашингтон университетини профессорлари Марк Рис "Олтин мерос" жамғармаси тақлифига биноан мамлакатимизга таширф буюрди. У буюк меросимизни асраб борсида қилинаётган ишлар билан танишар экан, ўзбек романависе Абдулла Қодирийнинг "Ўткан қунлар" асарини инглиз тилига таржима қилиб, америкаликларга тақдим этиш ўзбек халқи руҳиятини англашда кўмак қилиш мумкинлигини таъкиқлади. Шу эғза ишда ҳамкорлик тақлиф этди. Айни пайтгача китобнинг маълум қисми таржимадан чиқди. Бу ўринда таржимонлик қилаётган М. Рисга "Олтин мерос" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ходими Муқаддас Дўсमतов яқиндан ёрдам берди.

Advertisement for Hurriyat newspaper. Includes contact information, subscription rates, and a list of services offered.